


МДХ Халқаро экспертлар форумининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича веб-сайти ишга туширилди



Яқинда МДХ Халқаро экспертлар форумининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича <https://isf-cis.uz> веб-саҳифаси ишга туширилди.

МДХ Давлат раҳбарларининг йиғилишида ушбу Форумни ишга тушириш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон томонидан илгари сурилган эди. Форум Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти томонидан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва МДХ Ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда ашқил қилинмоқда.

Ташкил қилинган сайт Форумнинг фаолияти бўйича долзарб маълумотлардан тезкор фойдаланиш имкониятини яратади. Бу ерда Форумнинг иштирокчилари, дастури, янгиликлари ва медиатекаси билан танишиш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, 29 июнда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича МДХ Халқаро экспертлар форуми бўлиб ўтади. Ҳамкорлик мамлакатлари экспертлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги сўнги тенденцияларни муҳокама қилади, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуққа зид ҳолатларга қарши кураш бўйича мақбул йўللارни келишиб олади.

Манба